

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ

### Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги

#### 1. Хизмат тавсифи (паспорт маълумотлари)

##### 1.1. Хизмат тури

Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш.

##### 1.2. Хизмат натижаси

Дававианазорат хорижий давлатни тайинланган ташувчи тўғрисида хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хат юборади. Тайинлашни бериш рад этилган тақдирда Дававианазорат ариза берувчига асосланган жавобни жўнатади.

Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 28 декабрдаги 144-сон буйруғи билан тасдиқланган “Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига мувофиқ ўрнатилади.

##### 1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкаларни олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги («Ўзавиация» агентлиги), Агентлик сайти [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz), E-mail: [caa@uzcaa.uz](mailto:caa@uzcaa.uz)

##### 1.4. Ҳуқуқий асослар

1. Ҳаво кодексининг 74 моддаси.  
2. Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 28 декабрдаги 144-сон буйруғи билан тасдиқланган “Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом”.

##### 1.5. Хизматни олувчилар

Хизматни олувчи фуқаро авиацияси эксплуатанти сертификатига эга бўлган авиаташувчи бўлиши мумкин.

##### 1.6. Расмий сўров топшириш муддати

Белгиланмаган.



## 1.7. Расмий сўров топшириш муддатига риоя қилмаслик оқибатларини кўрсатиш

Қўлланилмайди.

## 1.8. Бажарилиш муддати

Ариза рўйхатдан ўтгандан бошлаб то мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлашгача бўлган вақт -20 иш куни.

## 1.9. Тасдиқ бериш муддати

Ариза рўйхатдан ўтгандан бошлаб то мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлашгача бўлган вақт -20 иш куни.

## 2. Хизмат олувчиларга маълумот бериш

### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат қилган ҳар бир авиаташувчига мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби ҳақидаги маълумот бериш, шу билан бирга Агентлик сайтидан - [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz) керакли маълумотларни юклаб олиш имконияти кафолатланади.

### 2.2. Кенг қамровли маълумот

Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби ҳақидаги маълумот тақдим қилиш Агентлик веб-сайти - [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz) орқали амалга оширилади.

### 2.3. Расмий сўров бериш бўйича маълумот

Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби ҳақидаги оғзаки маълумот 9-00 дан 18-00 гача 78 120-00-68 телефони орқали; факс бўйича 71 254-14-82 орқали кун давомида қабул қилинади; ёзма равишда расмий сўров қабул қилиш, расмий сўров бўйича ёзма ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш соат 9-00 дан 18-00 гача Агентлик девонхонасида амалга оширилади. Ёзма расмий сўров [opd@uzcaa.uz](mailto:opd@uzcaa.uz) ёки [caa@uzcaa.uz](mailto:caa@uzcaa.uz) электрон почтаси орқали кун давомида қабул қилинади.

### 2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот

Агентлик манзили: 100015, Тошкент ш., Нукус кўчаси 73-б.  
Ориентир – Миробод деҳқон бозори.

### 2.5. Ҳужжатлардаги фойдаланиладиган бланклар (шакллар)

Ариза Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 28 декабрдаги 144-сон буйруғи билан тасдиқланган “Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги



низом”да белгиланган.

### 3. Хизмат кўрсатиш

#### 3.1. Иш вақти

Агентлик иш вақти шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари, ҳар куни 9-00 дан 18-00 гача

#### 3.2. Кутиш шартлари

Қўлланилмайди

### 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

#### 4.1. Зарур ҳужжатлар

Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташувчи “Ўзавиация” Агентлигига мазкур Низомнинг иловасида келтирилган шакл бўйича аризани қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

эксплуатант сертификати нусхаси иловалари билан;  
ҳаво кемасига ва учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигига суғурта полислари нусхалари;

#### 4.2. Хизмат тўловлари

Хизмат бепул

#### 4.3. Давлат хизматларини кўрсатиш босқичлари

Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби қуйидаги босқичлардан иборат:

Агентлик сайтида [www.uzcaa.uz](http://www.uzcaa.uz) кетма-кетликда «5 бош блок – норматив-ҳуқуқий актлар»ни, сўнгра 19 Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 28 декабрдаги 144-сон буйруғи билан тасдиқланган “Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом” қақирасиз.

1. Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташувчи “Ўзавиация” Агентлигига иловада келтирилган шакл бўйича аризани қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

эксплуатант сертификати нусхаси иловалари билан;  
ҳаво кемасига ва учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигига суғурта полислари нусхалари;

2. “Ўзавиация” Агентлиги тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, уларнинг ишончлилигини текширади, шунингдек тайинлашни мақсадга мувофиқлиги юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишади.

3. Ўзбекистон Республикасининг асосий ташувчиси фойдаланаётган йўналишларда бошқа ташувчиларнинг халқаро парвозларни бажариши шу ташувчи билан олдиндан келишилгандан сўнг “Ўзавиация” Агентлиги томонидан кўриб чиқилади.

4. Тайинлаш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда “Ўзавиация” Агентлиги хорижий давлатни тайинланган ташувчи тўғрисида хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хат юборади. Тайинлашни бериш рад этилган тақдирда Давлавианазорат ариза берувчига асосланган жавобни жўнатади.

Тайинлашнинг ҳар бир босқичи ижобий натижа берсагина, кейинги босқичга ўтилиши керак.



#### 4.4. Давлат хизматларини кўрсатишни ички идоравий тартиби

Агентлик девонхонасида Аризани қабул қилиш → Аризани Агентлик директорига устухат қўйиш учун бериш → Агентликнинг Ташқи алоқалар бўлимига Аризани бериш → Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом асосида Аризани кўриб чиқиш → Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш ёки беришни рад этиш ҳақида ариза берувчига ёзма хат жўнатиш.

#### 4.5. Рад этиш асослари

“Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига риоя қилмаслик Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлашда рад этишга асос бўлади.

### 5. Сифатини таъминлаш

#### 5.1. Сифат турлари

Қўлланилмайди.


Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш хизмати кенг қамровдаги хизмат оловчиларга тегишли эмас.

#### 5.2. Сифатсиз хизматдан сабабли шикоят аризасини бериш

Хизмат оловчи Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш рад этилиши, тайинлов тўхтатилиши, бекор қилиниши, сифатсиз хизмат кўрсатилганда ёки Агентликнинг мансабдор шахсининг ҳаракатига (фаолиятсизлигига) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда:

- шахсий мурожаат;
- хат;
- электрон почта орқали шикоят бериши мумкин.

**Давлат хизматини тақдим қилиш схемаси**  
(Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси  
фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш)



Мунтазам халқаро парвозларни  
бажариш учун Ўзбекистон Республикаси  
фуқаро авиацияси ташувчиларини  
тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низомга  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Трнспорт вазирлиги  
ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги директори  
Ф.И.О.

**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ авиакомпанияси  
(тўлиқ номланиши)

\_\_\_\_\_ га асосан  
(Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ йўналиши бўйича

мунтазам йўловчи (юк) ташувларини амалга ошириш учун келишилган  
қатновдан фойдаланишга тайинлашни сўрайди.

Илова: \_\_\_\_\_

(сана)

(лавозим, имзо, Ф.И.О.)  
М.Ў.